

**Лексикографиялаштириш қодалари базавий лексикографик билимларнинг иккинчи компонентиدير.**

**Муродова. У.Д.-** Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика Университети « Сурдопедагогика ва Махсус педагогиканинг клиник асослари» кафедраси катта ўқитувчиси

**Аннотация:** Ушбу мақолада ўқув луғатида лексик материални танлашнинг дидактик тамойиллари ва мезонлари кўриб чиқилади. Луғатда унинг тузилишига қўйиладиган дидактик талаблар келтирилган. Луғат танлови асосан турли академик ва таълим даражасидаги олимлар томонидан қўлланилган, университет профессорлари томонидан фойдаланилган.

**Таянч иборалар:** Матн, мотивация, дидактика, компонент, категория, тизим, жараён, терминология, билим, малака, телеконференция, магистратура, инновация.

**Аннотация:** В данной статье исследуются дидактические принципы и критерии выбора лексического материала в учебном словаре; в словаре представлены дидактические требования к его структуре. Выбор словаря в основном использовался учеными различного академического и образовательного уровня, используемыми профессорами университетов.

**Ключевые слова:** Текст, мотивация, дидактика, компонент, категория, система, процесс, терминология, знания, умение, телеконференция, магистрат, инновация.

**Abstract:** This article explores the didactic principles and criteria for the selection of lexical material in the educational dictionary; the dictionary contains didactic requirements for its structure. The choice of vocabulary was mainly used by scientists of various academic and educational levels used by university professors.

**Key words:** Text, motivation, didactics, component, category, system, process, terminology, knowledge, skill, teleconference, magistrate, innovation.

Ўқув луғатларини яратиш назарияси ва амалиёти ўқув лексикографиясининг асосий бўлими ҳисобланади. Тилни мулоқот қилиш ва хабар бериш воситаси сифатида ўрганишга ёрдам бериш учун махсус мўлжалланган, ихтиёрий ҳажмдаги ва типдаги лексикографик асар **Ўқув луғати** деб аталади. Ўқув луғатининг асосий (констатация, яъни қайд қилувчи) белгиси сифатида унинг мажбурий **ў қ и ш г а й ў н а л т и р и л г а н л и к** хусусияти намоён бўлади. Ўқув луғатининг ҳал қилувчи белгиларидан бири унинг нисбатан кичик луғат-маълумотнома ҳажмидадир, деган кенг тарқалган фикр нотўғридир.

Нутқ фаолиятининг асосан ўқув луғати билан таъминладиган турини эътиборга олиб, нофаол луғат типи ҳақида (матнни билиш ва тушуниш учун), фаол типи ҳақида (матнларни ҳосил қилиш ва гапириш учун) ҳамда фаол-нофаол луғатлар ҳақида гапириш мумкин. Кўрсатиб ўтилган типларнинг бирортасига тааллуқли бўлиш луғатнинг ҳам таркибий тузилишида, ҳам ҳажмида, хусусиятида ва маълумотни луғат мақоласи кўринишида ташкил қилишда акс этади.

Луғатлар ҳар бир бош сўз ва умуман сўзлик (луғатга киритиладиган сўзлар рўйхати) ҳақидаги маълумотни излаш усулига қараб луғатлар изоҳли ва намоёйишли бўлади. Жанрга мос ахброот вербал семантизацияловчи бўлақлар (сўзлар, сўз бирикмалари ва ҳ.к.) ёрдамида ифодаланадиган луғатлар тушунтирувчи луғатлар деб аталади. Тушунтирувчи луғатлар бир тилли (изоҳли) ва таржимавий бўлиши мумкин, бунда мавзу номи бирликлари таржима

эквивалентлари ёрдамида ёки чиқиш тилида семантизацияловчи матн бўлаклари (изохлар) ёрдамида берилиши мумкин. Частотали луғат тушунтирувчи луғатларнинг ўзига хос типи ҳисобланади, луғатнинг бу типига хос ахборот сон ёрдамида ифодаланади.

Ўқув жараёнини лексикографик таъминлаш деганда, биринчидан, ўқув лексикографиясининг зарур асарларини яратиш (аввало ўқув луғатлари, шунингдек лексик ва фразеологик минимумлар, луғат типига қўлланмалар ва ҳ.к.); иккинчидан, ўқув жараёни талабларига жавоб берадиган ҳамда ўқитишнинг ўзига хос воситаси сифатида қўлланилиши мумкин бўлган лексикографик асарларнинг бутун тўпламини тушуниш керак.

Бу бўлимни “луғат проспекти” атамасини муҳокама қилиш билан яқунлаймиз. Луғат проспекти – инструктор-баён қилувчи асар бўлиб, унинг мазмунини тегишли лексикографик асарни яратиш мотивлари ҳамда муолажаларининг баёни ҳисобланади. Ўқув луғатининг композицион проспекти одатда куйидаги асосий қисмларни ўз ичига олади: 1) луғатнинг мақсад ва вазифаларини баён қилиш; 2) кимга мўлжалланганлигини аниқ кўрсатиш; 3) луғат композициясининг тавсифи; 4) сўзликнинг тавсифланиши (миқдорий ва сифат тавсифномаси); 5) луғат мақоласининг таркибий тузилишининг тавсифи; 6) луғат мақоласидаги алоҳида элементларнинг изчил ва батафсил тавсифи; 7) белгилар, қабул қилинган қисқартмалар ва шартли белгиларнинг тавсифи; 8) манабаларни, шу жумладан лексикографик манбаларнинг кўрсатилиши; 9) иловаларнинг тавсифи.

Лексикографиялаштириш қоидалари базавий лексикографик билимларнинг иккинчи компоненти ҳисобланади. Улар умумий ва хусусий бўлиши, турли шаклга эга бўлиши мумкин (қайд қилиш қоидалари, тавсиянома-қоидалар, таъқиқловчи қоидалар, эҳтиётловчи қоидалар ва ҳ.к.), айнан лексикография жараёнига, бу жараён субъектига (лексикографга) ва унинг объектига (луғатга) тегишли бўлиши мумкин. Буларнинг баъзи бир умумийларига тўхталиб ўтамиз.

Ихтиёрий лексикографик лойиҳани амалга ошириш бир қатор кетма-кет бажариладиган амалларни ўз ичига оладиган муолажадан иборат. Бу муолажа доирасида учта босқични ажратиш кўрсатилади: дастлабки, асосий ва яқунловчи.

**Д а с т л а б к и** босқич лойиҳа ғоясидан бошланиб, луғат проспекти ва синов материалларини маъқуллаш билан тугайди (маъқуллаш нашриёт шартномаси билан расмийлаштирилиши керак).

Дастлабки босқич мазмуни куйидагилардан иборат: а) луғатнинг асосий ғоясини шакллантириш; б) тегишли адабиётлар ва лексикография анъаналари билан танишиш; в) дастлабки луғат материалларини тўплаш ва ишлаб чиқиш; г) лексикографик манбалар корпусини шакллантириш; д) луғат проспектини (баён қилиниши керак бўлган матннинг қисқача мазмунини) яратиш (тузувчилар учун йўриқномалар); е) луғатда баён қилинган қурилмаларнинг ҳал қилувчи кучини намоён қилувчи кўргазмали луғат мақолаларини ёзиш; ж) луғатнинг кўзда тутилган ҳажминини ва муаллифлик ишини тугатиш муддатларини белгилаш; з) проспектни ва синов материалларини нашриётга топшириш.

Кўрсатилган қадамларни шунчаки санаб ўтишнинг ўзи қараб чиқилаётган босқичнинг нақадар муҳимлигини кўрсатади, унинг номланиши бизда мутлақо шубҳа уйғотмаслиги керак. Моҳиятига нисбатан дастлабки босқич маълум маънода марказий ҳисобланади. Айнан шу ерда, бир томондан, лексикографик лойиҳа асосида ётувчи барча ғоялар туғилади, ўзаро мослаштирилади ва аниқ шакллантирилади (яъни, луғат “яратилади”), бошқа томондан, луғатни яратиш жараёни алгоритмлаштирилади, яъни асосий ғоя ёки ғоялар мажмуасини

амалга оширилишига олиб келувчи барча қадамлар ишлаб чиқилади ва батафсил баён қилинади. Даствлабки босқичда лексикограф нафақат мутахассис сифатида, балки муҳандис-лойиҳачи (конструктор) сифатида ҳам ўзини намоён қилади.

**Луғат концепциясини** ишлаб чиқиш ва уни пухта ўйланган проспектда амалга ошириш даствлабки босқичнинг энг масъулиятли вазифаси ҳисобланади. Проспектни ёзиш жараёнида роя қилиниши керак бўлган қоидалар сифатида қуйидагиларни таклиф қилиш мумкин.

I. Луғат муаллифи лексикографик вазиятни синчиклаб баҳолаши ва кўзда тутилаётган луғат тегишли бўлган соҳада юзага келган анъаналарни ўрганиб чиқиши лозим. Бунда тегишли лексикографик билимлар биринчи навбатда ўхшаш ёки бир-бирига яқин (жанри бўйича, ҳажми бўйича ва ҳ.к.) бўлган луғатларда, ундан кейин эса мақолалар, диссертациялар ва монографияларда қайд этилганлигини билиш керак.

II. Ўқув луғатини яратишга киришганда унинг ким учун мўлжалланганлиги, луғатдан фойдаланувчиларнинг психологик, хулқий, касбий ва бошқа хусусиятлари, интилишлари, луғатга мурожаат қилиш мотивлари ва бошқалар тўғрисида яққол ва аниқ мулоҳаза ҳосил қилиш керак. Ўқув луғатида лексикографик асар кимга мўлжалланганлиги ноўқув луғатига нисбатан катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтиш зарур. Бу нарса, аввало, ўқув луғатлари ўз моҳиятига кўра антропомарказий бўлиб, улар, юқорида айтиб ўтилганидек, луғатни тил онгининг бир қисми сифатида шакллантирилишига қаратилади ва, демак, бу онгнинг ҳам даствлабки ҳолати ва ривожланиш динамикасини, ҳам унинг билиш ва коммуникатив эҳтиёжларини ҳисобга олиш керак.

III. Луғатнинг концептуал асосларини ишлаб чиқиб ва унинг яратилишига олиб келувчи муолажаларни тавсифлашда нутқ фаолиятининг маълум турларининг талабларига изчил ва қатъий роя қилиш керак, чунки буларни амалга ошириш турли хил лексик массивларни, сарлавҳа бирлиги тўғрисида ҳажми ва сифати жиҳатидан турлича бўлган маълумотларни талаб қилади.

Луғатнинг концептуал асосларини ишлаб чиқиш - уни муваффақиятли амалга ошириш гаровидир, бунинг учун қуйидагилар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш керак: а) “нутқ фаолияти тури” тушунчасининг ҳажми тўғрисида, нутқ фаолиятининг асосий турлари номенклатураси ва уларнинг ҳар бирининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида; б) луғатда акс этадиган лексик массивнинг бир хил бўлмаслик меъёри тўғрисида; в) луғатга танлаб олинган ҳамда турлича педагогик статусга эга бўлган лексик бирликларни мақсадга мувофиқ тарзда смементизациялаш тўғрисида.


Ўқув луғатидан фойдаланилиши мумкин бўлган нутқ фаолиятининг асосий турлари нофаол ёки рецептив (ўқиш, тинглаш ва ўрганилаётган тилдан бошқасига таржима қилиш) ва фаол ёки самарали (гапириш, ёзиш, она тилидан бошқасига таржима қилиш)га бўлинади. Биринчисини амалга ошириш таклиф қилинган махсус матннинг мазмунини англаш, тушунишдан, иккинчиси – бундай матнни яратиш, ҳосил қилишдан иборатдир.

Ўқитувчи нуқтаи назаридан атама-сўзлар луғатининг сўз бойлиги ўзлаштириладиган ёки ўзлаштирилмайдиган сўзларга бўлинади. Ўзлаштириладиган сўзларга, шунингдек, нутқ фаолиятининг а) самарали ва б) рецептив турларини таъминлаши керак бўлган сўзлар киради. Кейингисининг мақсадга мувофиқлиги қатор омиллар билан белгиланади: биринчидан, атамаларнинг реал амал қилишини ҳисобга олиш, иккинчидан, ишлаб чиқарувчи ва қабул қилувчи ўртасидаги нутқ фаолиятидаги мумкин бўлган яққол фарқ (биринчиси хабарни коммуникацияни бузувчи тарзда қўполлаштириши, тил комбинаторика механизидан

фойдаланиши, сўзларни тавсифловчи бирикмалар билан алмаштириши, коммуникациянинг новербал воситаларидан (имо-ишора, мимика ва б.) фойдаланиши мумкин, иккинчиси эса шу вақтнинг ўзидан унга қаратилган, лексик бирликларни танлаш ҳеч қандай чегаралашларсиз қуриладиган матнга боғланган бўлади); ваниҳоят, учинчидан, атамаларга ўқитиш жараёнини оптималлаштиришга интилишдан иборат бўлади (ортиқча нарсаларни қанча кам таклиф қилсак, ажратилган вақт ичида шунча кўп керакли нарсаларни бериш мумкин бўлади).

Нутқни самардорлаштириш ва рецепциялаштириш учун махсус мўлжалланган атамаларни ўзлаштириш яна бирор лексик тўпلامни рецептив ўзлаштиришни автоматик тарзда етаклаб келади. У юқорида кўрсатилган, луғатнинг ўқувчига таниш бўлган сўз ҳосил қилувчи моделларидан (аввало, “самарали” ва “рецептив” сўзлар орасида кенг тарқалган) ҳосил қилинадиган лексик бирликлардан иборат бўлади. Масалан, нутқ фаолиятининг самарали ва рецептив турларини таъминлаш учун махсус танлаб олинган массивларда *ёрдам – ёрдамчи* каби қатор лексик жуфтларнинг мавжуд бўлиши бу массивда иштирок этмаётган *ҳимоячи* сўзини, агар у *ҳимоя* сўзини билса, қўшимча семантизациялашсиз ҳам тушуниш имконини беради ва ҳ.к. Массивда расмий иштирок этмаса ҳам, аслида имплицит тарзда иштирок этувчи бу каби лексик бирликлар лексик бирликларнинг чуқур маъносини белгилаб беради ва интернационализмлар билан биргаликда **потенциал луғатни** ҳосил қилади. Потенциал луғат талабаларнинг атамашунослик компетенциясини шакллантиришда жиддий роль ўйнайди ва ўқув лексик массивни педагогик жиҳатдан аниқ тасаввур қилишда албатта ҳисобга олиниши керак.

Ўқитиш ва ўрганиш учун мўлжалланган атамашунослик массивини тузилмалаштириш ҳақида айтилганларни схемада яққол кўрсатиш мумкин. Бу ерда маркази О нуқтада жойлашган доира луғатнинг бутун таркибининг тимсоли бўлиб хизмат қилади; АОС секторда педагогик атамаларни ўқитишга база бўлиб хизмат қилишга махсус ажратиб олинган сўзлар мужассамланган; АОВ секторда нутқ фаолиятининг самарали турларини таъминлаш учун мўлжалланган сўзлар; ВОС секторда - нутқ фаолиятининг самарали турларини таъминлаш учун мўлжалланган сўзлар; СОД секторда – талабаларнинг потенциал имкониятларига қирувчи атамалар; АОД секторда – талабаларга у ёки бу даражада маълум бўлган барча атамалар мужассамланган.



IV. Луғатнинг композициясини аниқлашда қуйидагини ёдда тутиш керак: луғатга киришлар қанча кўп бўлса, шунча яхши.

Маълум бир лингвистик ҳодисани мумкин бўлган икки хил интерпретациясидан (талқин қилинишидан) бирини танлаганда, тенг шароитларда маълумотларга бойроғи афзал кўрилади. V. Луғатнинг проспектини ишлаб чиқишда амалга оширилаётган проспектга жалб қилинган атамаларнинг берилган луғат учун интерпретациясини онгли равишда танлаш керак бўлади, ёки мавжуд интерпретациялардан ҳеч бири тузувчини қониқтирмаса, у ҳолда ўз интерпретациясини таклиф қилиш керак бўлади. Бир томондан у ёки бу интерпретации антропоцентричности ўлчови, бошқа томондан – унинг айнан ўқув лексикографиялаштиришга мослик даражаси бундай танловни бошқариш мезони бўлиши мумкин.

VII. Луғат проспектида батафсил баён қилиш даражаси шундай бўлиши керакки, луғат устида ишлашнинг ихтиёрий босқичида ҳаммуаллифларни киритиш мумкин бўлсин.

Луғатни яратишнинг асосий босқичи – лексикографиялаштириш босқичи бўлиб, концепциянинг ундан олдинги босқичида проспектга қатъий мос равишда амалга оширилади. Бу босқич иккита асосий амални ўз ичига олади: а) сўзлагични шакллантириш ва б) объектни лексикографиялашнинг ўзига хос хусусиятларини ҳамда берилган прагматик йўналишлар йиғиндисини ҳисобга олган ҳолда сўзлагични ташкил қилувчи атамашунослик бирликларининг изчил интерпретациясини.

Бу босқичнинг барча иуолажаларида амал қилиниши керак бўлган умумий қоидани куйидагича шакллантириш мумкин: шунга ўхшаш нарсалар луғатда доимо ва ўзгаришсиз худди шундай талқин қилинади. Ушбу қоиданинг бажарилишини таъминловчи усулларидан бири сўзлагич элементларини гуруҳлаб семантизациялаш дейилади (у маъноси жиҳатидан бир-бирига ўхшаш ёки яқин сарлавҳа бирликларини гуруҳларга бирлаштириб, бир-бирига нисбатан семантизациялашдан иборат бўлади).

Яқунловчи босқичнинг мазмуни нашрит билан ишлашдан иборат бўлади.

Базавий лексикографик билимларнинг баъзи муҳим элементарли ана шулардир. Бу билимлар етарлича тўлиқ ҳажмда фақатгина лексикография дарслигида баён қилиниши мумкин, бунинг зарурати аллақачон етилган.

#### Адабиётлар рўйхати

1. Закон Республики Узбекистан «Об образовании». // Гармонично развитое поколение - основа прогресса Узбекистан. - Т.: Шарқ. 1997. - 63 с.
2. Национальная программа по подготовке кадров. // Гармонично развитое поколение - основа прогресса Узбекистана. - Т.: Шарқ. 1998. - 63 с.
3. Абдуллаев Ю., Бушуй А. Иностранные языки в современном мире: Эволюция методики обучения. - Т.: Фан. 2000. - 272 с.
4. Аганин Р.А. Словарь учебника и учебные словари. // РЯНШ. – М., 1974, № I. - С. 16-24.
5. Акабиров С.Ф. Лексикографическая разработка терминологии в двуязычных словарях: Автореф. дис. ... канд.филолог. наук. - Т., 1969. - 19 с.
6. Акабиров С.Ф. и др. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – 2 т. - М.: Рус тили нашриёти, 1981. – 631 б.
7. Алмарданов Р.А. Словарь дипломатических терминов. - Т.: УМЭД. 2002. 138 с.
8. Амирова Т.А., Ольховиков В.А., Рождественский Ю.В. Очерки по истории лингвистики. - М., 1975. - 559 с.
9. Андриянова В.П. Новое педагогическое мышление основа новых педагогических технологий. Формирование всесторонне развитой личности в системе непрерывного

## THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

### VOLUME-5, ISSUE-1

образования Республики Узбекистан на современном этапе. - Ташкент: УзНИИПН, 2003. Ч. 1. - С. 14-19.

10. Бархударов С.Г., Новиков Л.А. Актуальные проблемы и задачи учебной лексикографии: К итогам дискуссий. // РЯЗР. - М., 1975, № 6. - С. 3 1-34.

11. Берков В.П. Вопросы двуязычной лексикографии. - Л.: Изд-во Ленингр.ун-та. 1973. - 191 с.

12. Буранов Дж. И др. Инглизча-ўзбекча-русча сўзлашгич. - Т.: Ўқитувчи, 1995. – 175 с.

13. Муродова Умида Дильмурадовна Старший преподаватель ТДПУ имени Низами «Дидактика –это раздел педагогической науки, изучающий теорию преподавания и обучение» Выпуск №19 (том 2) (октябрь, 2021).

14. Муродова У.Д. “Лексический минимум- академическая лексикография является неотъемлемой частью” International Scientific Journal Theoretical & Applied Science № 4 сонда 2020 йил 918-922 бетларда

